



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

Талабалар минбари

ҚАДРИНГГА ЙИҒЛАЙМАН, ҚАДРИЯТ

Қадрият — ҳар бир миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini ойнадек кўрсатиб турувчи энг муҳим омиллардан бири. Олимлар қадриятларни миллий, диний, маҳаллий, минтақавий ва умуминсоний каби бир қатор турларга шартли бўладилар.

Табийки, миллатларнинг бебаҳо қадриятлари шунчаки бир-икки ёки ўн-йигирма йил ичида пайдо бўлиб қолмайди. Чунки, халқ дилига чуқур ўрнашган бирор-бир муҳим урф-одат, кийим-кечак, кундалик ҳаёт тарзига хос анъанага, айниқса, қадриятга айланиши узоқ асрларни талаб қилади. Йиллар, асрлар давомида маълум бир қараш, одат, тушунча, тажрибалар шафқатсиз замонлар, бир неча авлодлар синовидан муваффақиятли ўтсагина янада сайқал топади, ривожланади, халқ ҳаётида ўз ўрнини эгаллайди.

Афсуски, халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келган бир қатор қадриятларни кейинги бир асрдан кўпроқ вақт ичида жамият ҳаётидан қувғин бўлмоқда...

(Давоми 6-саҳифада)

Психологик профилактика

СТРЕСС — ЭНГ КАТТА ДУШМАН

Баъзан ҳаётда турли қутилмаган ҳолатлар бўлади, рухий тушқунликка тушасиз. Бундай пайтда сиз ўзингизни ҳеч кимга керак эмасдек ҳис қиласиз. Қўлингиз ишга бормайди. Хуллас, ҳаловатингиз йўқолади. Бундай пайтда аввало яқинларингиз ўғити, кейин психолог сабоғи сизни асрайди, тўғри йўл кўрсатади. Ҳозирда кўпроқ бундай вазиятга оиласида жанжал бўлиб, тинчлиги йўқолган ёш эр-хотинлар кўпроқ тушади. Чунки оилавий ажримлар сони бугун жамиятимиз учун хавотирли даражада экани бор гап.

Оилавий қўйди-чикдилардан биринчи навбатда вояга етмаган болалар, қолаверса, аёллар кўпроқ азият чекади. Анча пайт бундай оғриқли масала маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги таъсирсиз Ярашув комиссияларига ташлаб қўйилгани бугун қандай оқибатларга олиб келганини кўриб-билиб турибмиз.

(Давоми 5-саҳифада)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўплаб соҳалар қатори таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар моҳияти ҳусусида шундай фикрларни айтган эдилар: «Бугун биз давлат ҳамжамияти турмушининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бекорга эмас, албатта.

ФАРЗАНДЛАРНИНГ КАМОЛИНИ ЗАМОН СЎРОҚЛАР

Сабаби, замон тезлик билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикрга, янги ғояга, инновацига суянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани”. Бу фикрлар яқин келажакда ривожланишнинг стратегик дастури бўлди десак муболаға эмас. Чунки сўнгги 20-30 йилликда кучли тараққиёт йўлига ўтган давлатларнинг барчаси ҳам асосан инновацион ғояларни, илмни ва шу асосда бунёд этилган юқори технологияларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали амалга оширганлиги маълум.

Жорий йилнинг – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган ислохотларнинг узвий ва мантиқий давоми бўлди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ёшларга ва тадбиркорликка оид мақсадларига айнан уйғундир. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлишини таъминлаш учун ҳар бир вилоятда биттадан “Креатив парк”лар фаолиятини ташкил этиш, уларга йилига камида 40 минг нафар ёшларни жалб қилиш, ҳар йили 500 нафар истеъдодли ёшларни хорижнинг нуфузли олий ўқув юртига ўқишга юбориш, мактаб битирувчиларининг камида 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашини таъминлаш, китобхон ёшлар сонини 5 миллион нафарга етказиш, “Топ-500” га қирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида “икки дипломли тизим”ни жорий этиш каби мақсадлар ўрин олган.

Хўш, мана шу жараёнда қайта ташкил этилган Тошкент давлат иқтисодиёт университети олдида қандай вазифалар қўйилган?

Хабарингиз бор, Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қарор имзолади. Ушбу ҳужжат билан Тошкент иқтисодиёт университети таркибига Молия ҳамда Фискал институтлари қўшилди. Бу икки ОТМда таҳсил олаётган талабалар бирлаштирилган университетда ўқишни давом эттирмоқда.

Янгиланган университетнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди:

■ иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари бўйича дунёдаги сўнгги тенденциялар, молиявий технологиялар, илғор хорижий тажриба ва реал иқтисодиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

■ ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқот уйғунлигини таъминлаш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун илғор инновацион ишланмалар яратиш, талабаларда тизимли таҳлил қилиш, креатив фикрлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш;

(Давоми 3-саҳифада)



ТАБИАТНИ СЕВИШ

уни кўз
қорачиғидек
асраб-авайлаш-
га ўргатишни
даврниг ўзи
талаб этмоқда

Мамлакатимизда мазкур табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соҳани бошқарувчи ва тартибга солувчи мустақкам ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилгани эътиборга молик.

Хусусан, Биохилмахиллик ҳақидаги Конвенция 1992 йил 5 июнда Рео-ди-Жанейро шаҳрида ўтказилган БМТнинг атроф-муҳит ва тараққиёт конференциясида имзоланиши учун очилган ва 1993 йил 29 декабрда 30 та давлат томонидан ратификация қилингандан кейин кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 14 октябрда Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахен протоколига (Монреаль, 2000 йил 29 январь) қўшилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги тегишли қарори билан 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари ҳам мамлакатимизда биологик хилма-хилликни сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 5 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,321 млн гектарга етказилиб, улар мамлакат ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил этмоқда.

Глобал иқлим ўзгаришлари шароитида ўзига хос, ноёб, қимматли табиий объектларни ва мажмуаларни, ўсимликларнинг ва ҳайвонларнинг ирсий фондиди сақлаб қолиш, уларни қайта тиклаш, экологик барқарорликни таъминлашда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

2017 йилга қадар бу кўрсаткич қарийб 5 фоизни ташкил этарди.

Ҳозирги кунда 7 та давлат кўриқхонаси, 1 та мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси, 12 та табиат боғи, 1 та миллий боғ, 12 та буюртма кўриқхона, 1 та Жайрон маҳсус питомниги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимига қиради.

Мамлакатимиз биохилма-хиллиги ўзига хос ранг-баранг ва ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга бўлиб, ҳозирда республикаимиз ҳудудида 4400 дан ортиқ олий ўсимлик ва 15 000 дан зиёд ҳайвонот турлари аниқланган.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар (умуртқали) турларининг 83 фоизи ва ўсимлик турларининг 89 фоизи қамраб олинган.

Биологик хилма-хилликни асраш, уларнинг сифат таркибини яхшилашда айрим ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар долзарблигича қолмоқда. Жумладан,

- браконерлик, ноқонуний қурилишлар ҳамда аҳоли томонидан чорва молларини боқилиши ва бошқа салбий омиллар натижасида ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларга зарар етказилмоқда.

- табиий ва антропоген омиллар туфайли ҳайвонот ва ўсимлик олами турларининг сони камайиб, яшаш муҳитларидаги шарт-шароит янада кескинлашмоқда.

- инкирозга учраган майдонларни қайта тиклаш ишлари етарли даражада амалга оширилмаганлиги туфайли шамол ва сув таъсирида тупроқ эрозияси кучайиб, чўлланиш ва чанг-тўзонларнинг ҳосил бўлиши ортиб бормоқда.

- айрим ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги қондаларига етарли даражада амал қилинмаяпти. Натижада ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг натижасида ноёб ва эндемик турлар сони камайиб бормоқда. 2009-йилда нашр этилган икки жилдли Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига 184 та ҳайвон тури ва 304 та ўсимлик турлари киритилган бўлса, 2019-йилда чоп этилган Қизил китобга мос

равишда 206 турдаги ҳайвонлар ва 314 турдаги ўсимлик ҳамда замбуруғлар киритилган.

Юртимизда биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Бунинг яққол исботи сифатида жорий йил 12-17 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш бўйича Конвенция (СМС COP14) иштирокчилари конференцияси 14-йиғилишининг келтириш мумкин. 130 мамлакатдан 1800 дан ортиқ иштирокчи иштирок этган мазкур тадбирда мамлакатимизда экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан биологик хилма-хилликни сақлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватладилар.

Эътиборли томони, биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияда белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг аксариятига ҳозирги кунга қадар эришилди. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонларини кенгайтирилиши, Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 млн гектаргача ўрмонзорлаш ишларини амалга оширилгани, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборлари, Судоча кўллари тизими, Жилтирбас кўли халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-боткок жойлар рўйхатига (Рамсар Конвенцияси) киритилиши шулар жумласига қиради.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш учун илғор хорижий тажриба ва халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва бошқариш зарур. Қолаверса, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг биологик хилма-хиллиги, деградация жараёнлари ва уларнинг хўжалик имкониятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтириш лозим.

Асосийси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва унга зиён етказмасдан фойдаланишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш тизимли йўлга қўйиш, аҳоли айниқса ёшлар-

нинг экологик маданиятини янада юксалтириш мақсадга мувофиқ.

Зеро, экологик маданиятни шакллантириш ҳамда юксалтиришда экологик таълимни ўрни бекиёс. Бунда, узлуксиз таълим тизимида экологик таълимни таълим-тарбия жараёнига изчиллик билан босқичма-босқич татбиқ қилиш ва шу асосда экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичга кўтариш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шу жиҳатдан, таълим тизимининг барча босқичларида таълим дастурларини мавжуд экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта тикланмайдиган манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги масъулиятини кучайтириш ғоятда муҳим.

Бундан ташқари, экологик таълим йўналишида илғор миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълимда экологик таълимнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, шунингдек, экологик таълим сифатини, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ҳамда барқарор ривожланиш кафолатларини ва устуворлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Сабаби, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ва таълим соҳасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш экологик таълимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, сайёрамиз келажаги, биологик хилма-хилликни сақлаш ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятига боғлиқ. Ёшлар ўртасида экологик билим, маданият ва экологик таълим-тарбия жараёнини тизимли ташкил этиш, ёшларнинг Она табиатни севиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатишни даврининг ўзи талаб этмоқда. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда албатта, барчамиз масъулмиз.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон Экологик
партияси фракцияси раҳбари

(Боши 1-саҳифада)



ФАРЗАНДЛАРНИНГ КАМОЛИНИ ЗАМОН СЎРОҚЛАР

■ замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва симуляцион марказлар ташкил этиш орқали “таълим — фан — инновация — рақамлаштириш” экотизимини ва соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотлар трансферини самарали йўлга қўйиш;

■ иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг натижаларини жорий этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

■ жаҳон таълим ва илмий маконида Университетнинг нуфузини ошириш, етакчи хорижий университетлар билан академик ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий илмий-амалий стажировкасини тизимли йўлга қўйиш.

Университетда 2024–2025 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёни давлат тили, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларда олиб борилади, бакалаврият ва магистратура босқичига ўқишга қабул қилинган иқтидорли талабалар учун алоҳида хорижий тилларда ўқитиладиган гуруҳлар ташкил этилади.

Таълим дастурлари халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг дастури асосида босқичма-босқич ишлаб чиқилади.

Таълим жараёнига етакчи профессор-ўқитувчилар ҳамда тегишли соҳаларда камида 5 йиллик амалий тажрибага эга бўлган иқтисодиёт, молия ва солиқ тизимларида ишлаган мутахассислар жалб этилади.

Бундан ташқари, иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари бўйича ишчи-хизматчиларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. 2024–2025 ўқув йили бошлангунига қадар тажрибага эга бўлган лойиҳалаштириш ташкилотини жалб қилиш ва университетнинг мавжуд худудлари ва бино-иншоотлари негизда замонавий кампусни бунёд этиш бўйича мастер режани ишлаб чиқиш, шунингдек, унда қуйидагиларни назарда тутиш режалаштирилган:

университетнинг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй манзилидаги худудда халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув аудиториялари, коворкинг марказлари, ИТ лаборатория, бизнес инкубатор ва анжуманлар залини ўз ичига олган мультифункционал кўп қаватли бинони барпо этиш;

университет кампуси ва улардаги

бино-иншоотларни юқори тезликдаги интернет билан ягона тармоққа боғлаш, ўқув ва илмий тадқиқот жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

талабалар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида маънан ва жисмонан эскирган бинолар ўрнида янги талабалар турар жойи, замонавий спорт заллари, ошхоналар ва бошқа бино-иншоотларни куриш.

Университет шунингдек, Университетни ривожлантириш жамғармасини тузмокда, унинг маблағлари хайрия маблағлари ҳисобидан шакллантирилади. Университетга тушган тўлов-контракт маблағларининг сақлаш ва жорий харажатлардан ортган қисми жамғармага йўналтирилади ҳамда таълим жараёнини яхшилаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш учун кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ишлатилади.

Шунингдек, университетда хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда Трансформация маркази ташкил этилмоқда, у университетни 2030-йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингидан биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш, шунингдек, университет таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилиши учун масъул бўлади. Бундан ташқари, хорижий тажрибага мувофиқ бакалаврият таълим йўналишларини мақбуллаштириш ҳамда университетнинг таълим дастурларини халқаро таълим дастурларига мувофиқлаштириш, 2024–2025-йилларда хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида камида 200 нафар етакчи профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини ташкил этиш, университетнинг таълим дастурларини хорижий олий таълим ташкилотларининг дастурлари асосида ишлаб чиқишга жавобгар бўлади.

Университетни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, 2024–2027-йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кадрлар тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш, илмий салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.



Жумладан, машғулотлар юзасидан талабалар фикрини ўрганиш ҳамда ўзаро ташриф тизимини ривожлантириш, талабаларни кафедра филиалларида мустақил таълимнинг “5+1” шакли бўйича ўқитишни ташкил этиш, замонавий рақамли босмаҳона яратиш, ҳар семестрда ўқув ва жараёнга халқаро эътироф этилган агентликлар рейтингининг биринчи 1000 талик рўйхатига кирган олий таълим муассасаларидан камида 15 нафардан профессор-ўқитувчини жалб қилиш ва бошқалар.

Буларнинг бари таълим-тарбиядаги инновация – бу келажакка инвестиция киритишимиз ҳисобланади.

Таълим тизимида, жумладан, олий таълимда амалга оширилган ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан катта тарихий аҳамиятга эга. Амалга оширилган ислохотлар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ҳатто халқаро майдонда ҳам мамлакатимиз обрў-эътиборини янги босқичга олиб чиқди. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Замонавий илм-фан ва ишлаб чиқариш томонидан илгари сурилган барча масалаларни ишонч билан ҳал қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш учун олий ўқув юртларида барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилмоқда.

Олий таълим ислохотларининг муҳим қирраларидан яна бири ёшларимизнинг бир вақтда бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш масаласи эди. Мамлакатимизда анча йиллардан буён фаолият юритаётган хорижий олий таълим масканларининг қабул жараёнига ҳавас билан қараб келар эдик. Зеро, бир вақтнинг ўзида мамлакатимиздаги ҳамма хорижий олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш мумкин эди. Бу ҳолат бизни ҳам ҳайратга солар, ҳам ҳавасимизни келтирган. Президентимиз айнан ана шу масалада “Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгай-

тиришга хизмат қилади”, — деб таъкидлаган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ёшларимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Шундай одамлар бўладики, улар тарихни ўзгартиришади. Илғор ташаббуси, тиниб-тинчимаслиги ва энг муҳими, юксак инсонийлиги туфайли оламшумул воқеаларга сабабчи бўлишади, асрларга татигулик ишларга бош-қош бўлишади. Президентимиз қабул қилаётган ҳар бир фармони ёки қароридан, жойлардаги ташрифларида, маърузаларида, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиладиган қонунлари ёхуд янгитдан жорий этиладиган, лойиҳаси ишлаб чиқиладиган ҳужжатларида фақат бир маслак бот-бот тилга олинади: халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиш керак.

Ён-атрофимизга қарайлик, бугунги шиддатли замонда, ҳамма ўз муаммоси ва ташвиши билан андармон бўлиб юрганида, халқнинг дарду ҳасратини тинглаш, бутун бошли ҳукуматни аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашишга қатъий ўргатган яна қайси давлат раҳбарини айта оламиз? Кейинги йилларда олий таълим тизимида нодавлат ва хусусий секторнинг, шунингдек, кўплаб хорижий олий ўқув юртлари ва филиалларининг кириб келиши ижобий ҳолат бўлди. Бир жиҳатдан олий таълимнинг камрови кенгайса, иккинчидан, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобатни таъминлайди, тизимда бозор қонунлари ишлай бошлайди. Зеро унинг натижаси муҳим ҳисобланади, чунки ҳар бир олий ўқув муассасаси сифатли кадрлар тайёрлаш учун қуршади. Рақобат ва бозор сифатсиз маҳсулотларни ёқтирмайди. Натижада рақобатбардош маҳсулот яратиш ҳар бир олий таълим муассасасининг асосий мақсадига айланади, натижа кутилганидек юқори бўлади. Шуларнинг ўзиёқ таълимдаги ислохотлар чуқур ўйланган ҳолда олиб бориладиганини англатади. Бугун ёшларга қаратиладиган чексиз меҳр, эътибор ва ардоқни кўриб, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг ушбу мисралари ёдга тушади:

...Ҳаёт ширин фарзанд билан,
кўзлар қароғи,
Фарзандларнинг камолини
замон сўроқлар.

Тўлқин ТЕШАБАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

ТАБИАТГА ЗУҒУМ ҚИЛМАНГ

Ўзбекистон табиатининг биологик ва ландшафтлар хилма-хиллиги миллий бойлигимизнинг ажралмас қисмидир. Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституциямизнинг 68-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир”, дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуни ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасини тартибга солишга қаратилган. Бироқ қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шаклланганлигига қарамадан, мамлакатимизда ҳайвонот дунёсидан хўжасизларча, ноқонуний, мақсадсиз фойдаланиш, унга зарар етказиш билан боғлиқ ҳолатлари учраб турибди. Мисол тариқасида Жиззах вилоятида содир бўлган балиқларни ноқонуний ови билан боғлиқ ҳолатни келтириб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2024-йил 16-апрелдаги 197-сон буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Айдар-Арнасой кўллари тизими бўлими давлат инспекторлари, Жиззах вилоят прокуратураси ва Жиззах вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ ППХ бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг 26-27 апрель кунлари Айдар-Арнасой кўллари тизими, Тузқон бўлимида ўтказилган назорат рейд тадбири ўтказилди. Тадбир давомида, 95-контур худудидан Зафаробод тумани, Лолазор ҚФЙда яшовчи фуқаролар О.Р ва О.А томонидан 1 (бир) дона резина қайиқ ва 65x65 мм ўлчамдаги лескали тўрлардан фойдаланган ҳолда 12 бош зоғора (сазан) балиқларини, табиий сув ҳавзаларида балиқ овлашга тақиқ ўрнатилган муддатларда ноқонуний равишда овлаб,

ҳайвонот дунёсига 8 млн. 160 минг сўм миқдоридан зарар етказганлиги ҳолати аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 90-моддаси 4-қисмига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Қўнғирот туман бўлими ва «Барсақелмес» давлат буюртма кўриқхонаси ҳамда туман ИИБ ходимлари билан биргаликда 2023 йил 6 ноябрь куни рейд тадбири ўтказилди.

Ўтказилган рейд тадбири давомида Қўнғирот тумани фуқаролари Т.Е. ва Т.Алар Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги қонун талабларини бузиб, ноқонуний равишда 27 та куён овлагани аниқланди. Ҳолат юзасидан фуқарога нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, табиатга етказилган зарарини қоплаш учун жами 8 900 000 млн сўм жарима ҳисобланди ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 90-моддасига асосан маъмурий ишлар бўйича суд органига тегишли ҳужжатлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Экологик партия ва жамоатчиликнинг ҳайвонларга ов қилиш учун руҳсатномалар беришга мораторий жорий қилиш бўйича 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритган эди.

Бироқ ҳозирги кунга қадар ушбу қарор лойиҳасининг тақдири ноаниқлигича қолмоқда. Агар ушбу



қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган бўлса, мамлакатимиздаги ҳайвонот дунёсининг барқарорлиги ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг генетик фонди сақлаб қолинган бўлур эди. Ҳайвонларга ов қилиш учун руҳсатномалар беришга мораторий эълон қилиш амалиёти кўшни Қирғизистон Республикасида ҳам амалга ошириляпти. Хусусан, айрим ҳайвонот турларини овлашга 10 йил мораторий эълон қилишни амалга ошириш арафасида турибди. Бундан ташқари Европа иттифоқи ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари жирафа, фил ва каркидон ҳайвонларини ов қилишга мораторий эълон қилиш ташаббуси билан чиқишди. Японияда ҳам 1986 йил китларни ов қилишга 30 йил мораторий эълон қилинганлигини келтириб ўтишимиз мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бошқа мамлакатларда ҳам ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Тақлиф қилинган қарор лойиҳасини қўллаб қувватлаган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, қарордан кўзланган асосий мақсад юртимизда экологик қонунчиликни такомиллаштириш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришданиборатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ушбу қарор лойиҳаси республикамиздаги камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолишга ҳамда кўпайтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Рустам КЕНЖАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети доценти.

Кўҳна санъат
жозибаси

Хоразм санъати тарихида халфачилик йўналишининг алоҳида ўрни бор. Қадимий мусиқий ижро анъаналарини ўзида жамлаган, халқона оҳанглардаги куй-қўшиқлар, лапарлар бугунги кунда ҳам минглаб мухлисларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

Санъатнинг ушбу соҳасида машҳур устозлар анъаналарини бугунги кунда кўплаб издошлар давом эттириб келмоқда. Таниқли санъаткорлар сулоласи вакиллари Зумрад Мадримова, Дилором Курбонниёзова ва бошқалар шулар жумласидан. Ўзига хос маҳорат мактабига эга бу санъаткорлар Ожиза халфа анъаналарини давом эттирган ҳолда узок йиллардан буён элдошларимизнинг яхши кунларида, шаҳар, туман, вилоят ва республика миқёсидаги байрамлар ҳамда маданий-маърифий тадбирларда сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.

Улар бошчилигида таркибда Роҳатой Аvezова, Дилфуза Исмоилова, Насиба Машариповаларни жамлаган “Хива халфалари” ижодий жамоаси томонидан айни кунларда Ичан қалъа давлат музей-кўриқхонасига ташриф буюраётган сайёҳларга ҳам миллий куй-қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилаётгани, айниқса, хайрли ишлардан бири бўлди.

Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар музей-кўриқхонадаги турли мавзудаги бўлим ва экспозицияларни, бетакрор меъморий обидаларни томоша қилиш баробарида Тош ҳовли саройи айвонида Хива халфалари ижросидаги дилтортар тароналар ва рақсларни ҳам томоша қилиб чексиз завқланишмоқда, унутилмас таассуротлари боис ташаккурларини изҳор этишмоқда. Айни пайтда бу маданий хизматлар туризм жозибдорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаётди.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист.

Сиз нима дейсиз?

“ЁЛЛАНМА КУЁВ”
УРФГА КИРЯТМИ?

Қадрият – биздан ташқаридаги ҳодиса эмас. Биз учун, миллатимиз учун кадрли бўлган одат, воқеа, ҳодисаларнинг жамланмаси. Бу жамланма қай бир оқил аждодимиз тарафидан яратилиб, йиллар давомида турли давр авлодлари уни сайқаллайдилар. Шу боис биз қадриятларимизни маънавий ҳазинамизнинг бир парчаси сифатида асраб-авайлаймиз.

Ҳаё, ибо каби тушунчаларнинг ана шу кўп асрлик қадриятимизнинг бир қисми эканлиги ҳақида кўп эшитганмиз, кўп айтаемиз. Эл орасига кирганимизда чиндан ҳам шундай эканлигига амин бўламиз. Муомала, муносабатларимизда, кийиниш, хатто, пардоз-андозимизда ҳаё борлигидан қувонамиз. Лекин дунёнинг айрим гўшаларида яшаш тарзига айланиб бўлган яланғочлик бизнинг ҳаётимизга ҳам шиддат билан бостириб қираётгани ҳам бор гап.

Миллатимиз руҳиятининг устуни бўлган тушунчаларни муҳофаза қилиш тобора заруриятга айланиб бораётгандек туюлмоқда. Санъат, адабиёт, умуман, маънавий тарғибот воситалари бу муҳофазанинг энг ишончли, тезкор усуллари ҳисобланади. Аммо кейинги пайтларда телеэкранларимизда намойиш қилинадиган баъзи миллий сериалларимизни томоша қилсак, қадриятларимизга соя солаётган жихатлар кўпроқ бўрттириляётгандай. Дейлик, “Севимли” телеканалда сал олдинроқ намойиш қилинган бир сериал воқеаларини эслайлик. Туппа-тузук оиланинг кизи-(тагин дунёбехабар киз эмас, ўқимишли, бир нуфузли компанияда ишлайди) отаси севганига бермагани учун (аслида севмаганига бермаслигига ҳам ишончли далил йўқ, йигит-врач, меъёрдаги оила фарзанди) унаштирилган йигит билан келишув қилади. Гўёки куёв тўйда шунчаки ўтириб беради, никоҳдан ҳам шунчаки – номига ўтади. Тўй оқшомида базм тугагач, севгилиси билан қочиб кетади. Бу келишувга ҳақиқий куёв ҳам, кизнинг севгилиси ҳам рози. Ана, холос. Воқеалар ривожини қандай бўлишдан қатъий назар, шу келишувнинг ўзи одамни даҳшатга солмайдими? Биров билан никоҳ ўқитиб, бошқанинг оғушига киришга оддийгина қараётган қиз, бу ҳодисани экранга олиб чиққан режиссёр покдомонлик, ор-номус, ҳамиyat каби тушунчалар билан юксалган миллат – ўз миллати олдидаги бурчини чуқурроқ ўйлаб кўрмадимикан?

Улар: – Бундай бўлмади-ку, келишув барбод бўлди-ку. Қаҳрамонимиз ўз хатосини тушунди-ку, – дея эътироз билдириши мумкин.



Лекин ёмонлик юқумли бўлади. Ҳаётда ўз кўнгил қўйган одамига узатилямаётган қизга, қизларга ёлланма куёв топиб, номига тўй қилиб, сўнг ошиғи тарафга кетиш қулай йўл бўлиб туюлмади, деб ким қафолат беради?

Ҳали бу сериалнинг изи совмай айнан шу каналда бошқа бир сериал бошланди. Бунда энди ёши ўтиброк қолган муаллима (таълим даргоҳида болаларга одоб-ахлоқдан сабоқ бергучи муаллима) ёлланма куёвга рози бўлиб ўтирибди-да. Чунки турмуш қурмокчи бўлган одами оилани, у тўйда никоҳ столига чиқиб ўтира олмайди. Энди бунисига нима дейсиз? Экрандаги воқеалар ҳаётдан олинган, бор-да бунақалар, деган гап ҳам бўлиши мумкин. Бор бўлса, бордир. Лекин бу ёлланма куёв образини сериалдан сериалга олиб ўтишга изн бермайди-ку. Кўп кўрсатилган, кўп айтилган гапларнинг охори тўқилади, одамларда кўникма пайдо бўлади. Худди келинчакнинг тўйда дугоналарига қарата гулдаста отганидек, улар “Мен эрга тегай, мен тегай”, дея чувиллашиб гулдастага югурганига кўзимиз ўрганганидек ё чиллала келин-куёвнинг ҳамманинг кўзи ўнгидан бир-бирига ёпишиб рақсга тушганини бемалол томоша қилганимиздай ёлланма куёвга ҳам кўникиб қолишимиз хатари йўқми? Бу образ сериалдан сериалга олиб ўтиляверса, бу саволга қандай ишонч билан “Йўқ” дея олмасак керак.

Ўрни келганида яна бир нарсани айтишни жоиз билдик. Сериалдан сериалга кўчаётган воқеаларидан яна бири уйланмаган йигитнинг болали жувонга ошқиб бўлиши, уйланиши... Бу никоҳни ота-оналарнинг маъқуллаши....

Эҳтимол, вазият тақозаси билан битта-яримта йигитнинг ҳаётида шундай воқеа рўй бергандир. Лекин бизнинг миллатимизда киз боланинг шаъни ҳаёт қадар муҳим воқеа ҳисобланади. Бир режиссёр билан сериал ҳақида сўхбатлашганимизда “Биз учун томошабиннинг қизиқиб кўриши муҳим. Шундай нарса яратамизки, томошабин телевизор олдида михланиб қолсин. Бошқаси биз учун муҳиммас”, деган эди. Шаън, ор-номус, ҳамиyat деган нарсалар ҳам ўша қизиқиб кўришга ем бўлиб кетаверса, бизни, руҳиятимизни тутиб турган устунлар бирин-кетин қийшай бошламайдими? Биз ўзлимиздан узоқлашмаймизми? Бу хатарли эмасми?

Дилафрўз ЖУМАНИЯЗОВА,

Республика маънавий ва маърифат маркази
Мирзо Улугбек тумани бўлими раҳбари.

ИНСОН ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ



Бугунги ривожланиб бораётган жамиятимизда миллий мафкура, миллий ғоя, миллий дунёқараш уйғунлашиб инсонларнинг аниқ мақсадларини белгилаб беради. Мақсадсиз инсон худди бозорга нима олишини аниқ билмасдан бориб қолган одамга ўхшайди. Сабаби, нима олишни билмасангиз бозорда айланиб юраверасиз. Ўз олдига бахт сари етакловчи аниқ мақсад қўйса, у инсон ҳаёти мазмунли кечаётганини англаб етади.

Хўш, инсон яшамоқда, боринги, бекаму кўст яхши яшамоқда. Лекин бундан мақсад борми ўзи деган савол барчамизни мушоҳадага чорлайди. Дарҳақиқат, инсон бутун ҳаётини, умрини еб-ичишга, кийишга, молу дунё тўплашга, фарзандлар тарбиясига, тўю маърака қилишга, хордиқ чиқаришга, сайру саёҳат қилишга ва бошқа ишларга сарфлайди. Ва кейин умр йўлимизнинг нечоғлик мазмунли ўтган, ўтмаганлигини сарҳисоб қила бошлаймиз. Кундалик юмушлардан ҳам ташқари пичоққа илинадиган бирон бир иш қилдимми ўзи деган савол кўпчиликни ўйлантириши табиий ҳол, албатта. Келинг, яхшиси умримиз сарҳисобини бугундан бошлайлик. Кун бўйи қилган ишларимизни икки бўлакка – хайрли ва беҳуда амалларга ажратайлик. Шунда умримизнинг бир кунлик мазмунининг форму-

ласи келиб чиқади. Натижа сизни қониқтирмаса, демак, мақсадсиз яшамоқдасиз. Аслида эса яшайдан мақсад нима? Нима қилсак биз босиб ўтган умр йўлимиздан мамнун бўламиз, ҳаётимиздан қониқиш ҳосил қиламиз. Қандай йўл тутсак, икки дунёмиз обод бўлади. Охирада Яратган хузурига қай аҳволда борамиз. Шу тахлит ўй-хаёллар гирдобиди юриб беҳосдан савобли ишларни кўпроқ қилишга киришиб кетамиз. Қилган яхшиликларингиз эвазига ёмонлик кўрганингизда, савоб умидида бажарган амалингиз ортидан таънаю дашномлар эшитганингизда яна бошингиз қотади. Нима қилиш керак ўзи? Одамларга нима керак ўзи? Ҳатто саломингга алик ҳам олгиси келмайди-я. Яна бошингиз қотган.

Аслида эса яшаш учун унчалик кўп нарса зарур эмасдек гўё. Лекин инсон онгли мавжудот бўлга-

ни боис шунчаки яшаш, ҳаво, сув, озуқа, иссиқлик, ёруғликка бўлган эҳтиёжларини қондириш билангина кифоялана олмайди. У яхши яшашга интилади, эҳтиёжларини имкон қадар тўлиқроқ қондириш пайида бўлади. Хуллас, инсон айнан шу майли – яхши яшашга интилиш тўғриси билан бошқа мавжудот ва махлуқотлардан фарқланади. Одамзод дунёга келибдики, яхши яшаш йўларини излайди. Бу эса унда оламни билишга, ўзлигини англашга интилиш, қавмдошлари билан ўзаро мулоқотда бўлиш ва маълумот алмашиш каби маънавий эҳтиёжларни ҳам вужудга келтирадими, бугун энди айнан шу эҳтиёжлар қай даражада қондирилаётгани фаровон яшаш шарт, тўкин-сочинликнинг асосий омили ҳисобланмоқда.

Бу дунёдаги барча инсонлар умри давомида оиласи, фарзандла-

ри, соғлиғи, тинч ва хотиржамлиги, тўкин-сочин ҳаёти учун курашиб ҳаёт кечиради. Бир оила фарзандлари билан соғлом, тинч ва хотиржам, тўкин-сочин ҳаёт кечирса бундай оилалар жамиятда соғлом оилалар ҳисобланади. Агарда бир миллатнинг барча оилалари фарзандлари билан соғлом, тинч ва хотиржам, тўкин-сочин ҳаёт кечирса, бу миллатнинг танлаган йўли ва эътиқоди нечоғли тўғри эканлигини англайди.

Бугунги кунда ота-она ўз фарзандини таълим-тарбия олиши учун шарт-шароит ва бор имкониятларини яратмоқда, чунки илм ва билим инсонга умри давомида синовларни енгиш учун керак бўлади. Ўсиб келаётган ҳар бир ёш авлодга инсонларнинг яшашидан мақсади “Оиласи ва фарзандлари билан тинч-хотиржам, тўкин-сочин, соғлом” ҳаёт кечирши эканлигини ўқитиш зарур. Авлодлар алмашинувида миллий мафкурамизни тўғри етказиш ҳар бир кишининг миллати олдидаги бурчи ҳисобланади.

Шарифжон БАРАТОВ,
Бекобод шаҳар касб-хунар
мактаби информатика ва
ахборот технологиялари фани
ўқитувчиси

СТРЕСС – энг катта душман

Психологик профилактика

(Боши 1-саҳифада)

Оилавий можаролар инсоннинг шахсий ҳаётига боғлиқ масала бўлса-да, ажримлар оқибатида юзага келаётган муаммолар жамиятнинг бошоғригига айланишини инкор этиб бўлмайди.

Бугун давлатимиз томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирлар иқтисодий аҳволни яхшилаш, маданий меъёрларни ўзгартириш, оиладаги зўравонликка қарши курашиш, оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш ва оилани муштакамлаш дастурларини амалга оширишдан иборатдир.

Ажралишнинг шахсга психологик таъсири ҳиссий, когнитив, хулқ-атвор ва жисмоний реакцияларга сезиларли таъсир кўрсатади. Ажралиш одамга психологик таъсир кўрсатиши мумкин, чунки у стресс ва ташвиш, руҳий тушкунлик, уйку муаммолари, диққатни жамлаш ва қарор қабул қилиш билан боғлиқ муаммолар, спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш, ўз жонига қасд қилиш фикрлари ва хатти-ҳаракатларига

олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, шахснинг ишига ва мартабасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, оиласи нотинч бўлган шахслар ишга бўлган совуққонлиги учун ҳатто бўшагилишлари ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бундай муаммога дуч келганда психолог ёки бошқа руҳий саломатлик бўйича мутахассисдан ёрдам сўрашлари керак.

Таъкидлаш жоизки, стресснинг ижтимоий ва психологик олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар мавжуд. Таълим ва ўқитиш, психологик ёрдам, қўллаб-қувватлаш гуруҳлари, ўз-ўзини парвариш қилиш, оила ва дўстлардан ёрдам сўраш, жамоат ресурсларидан фойдаланиш каби. Агар сиз стресснинг олдини олмасангиз, оилада турли муаммоларга дуч келишингиз турган гап.

Маълумотларга кўра, 2023 йилда 203 нафар фуқаро оиладаги зўравонлик бўйича жиноий жавобгарликка тортилиб, улардан 59 нафари қамоққа олинган. Яна 8928 нафар фуқаро эса оиладаги зўравонлик ҳолати бўйича маъ-

мурий жавобгарликка тортилган. Сўнгги статистик маълумотларга кўра, 2024 йилнинг илк чорагида судлар 4477 нафар шахсни оиладаги зўравонлик моддалари бўйича жавобгарликка тортган.

Бироқ бу рақамлар келиб тушган даъво аризалари асосида шаклланади. Яна неча минглаб зўравонлик-у шафқатсизликлар, афсуски, тўрт девор орасида мавҳумлигича қолиб кетади.

Жамиятда оилага муносабат ўзгариб борапти. Ажримлар яхши оқибатларга олиб келмаслигини, оила муқаддас кўргон эканлигини бола онгига сингдиришни мактабдан бошлашимиз керак. Бу энг тўғри ва оқилона йўл. Бундан ташқари, ҳали расман тасдиқланмаган бўлса ҳам никоҳ ёшини қизларга нисбатан ошириш масаласи тўғри ўртага қўйилган. Бунини шакллантириш ва янада мукамалроқ ишлаб чиқиш лозим. Қизларнинг никоҳ ёшини оширилиши ажримларнинг сезиларли даражада камайишига туртки бўлади.

Лусна ЖАББОРОВА,
ЎЗМУ ижтимоий психология
кафедраси катта ўқитувчиси



ҚАДРИНГГА ЙИҒЛАЙМАН, ҚАДРИЯТ

(Боши 1-саҳифада)

Гуруч курмакис бўлмайди, деганларидек, кадрятларимизни қўлаб-қувватлаш, уларга қатъий риоя этиш борасида ҳам суистеъмолликларга йўл қўйилмапти. Интернетнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши, ижтимоий тармоқларда ҳар қандай маълумот ёки хабарларнинг яшин тезлигида тарқатилиши авж олаётган шундай бир пайтда кадрятларимиз топталишига олиб келаётган айрим нуксон ва қусурларга кўз юмиб бўлмайди.

Шу яқин кунгача тўй ва маросимлардаги дабдабалар ҳақидаги шов-шувли хабарлар ижтимоий тармоқлардан тушмаяпти. Шунингдек, миллий ва диний кадрятларимизда ота-онанинг кадр-қиммати кўкларга кўтарилганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Аммо айрим танбал фарзандлар ота-онасига ғамхўрлик қилиш ўрнига, ёлғиз қолган кекса отаси ёки онасини “Саховат уйи”га элтиб ташламоқда. Айрим ҳолатларда маънавий ва жисмоний зулм қилаётгани “Падарқушлар”га айланаётганининг ҳам гувоҳи бўламиз. Фарзанд ота-онанинг дилбанди, ота-онага уларсиз ҳаёт ранг-баранглигининг бир дақиқаси ҳам татимайди. Аммо бугунги кунга келиб ота дейишга ҳам тил бормайдиган айрим “отачалар” фарзандларини қон-қақшатиб, оиласини ташлаб кетяпти, рўзғоридаги бор будини бир шиша арокка алмашиб, гулдек фарзандлари, хотинининг ҳаётини азобга айлантarmoқда.

Ҳар қандай қирғинбарот урушлар, йиллаб давом этган очарчилик, қаҳатчилик, тақчиллик, танқислик, зулм-истибод авж олган даврларда ҳам аёлларимиз ўз оналик шаъни, аёллик иффати, ҳаё-ибосини, исломий иймон-этикоддини йўқотмаган, сотмаган эди. Энди-чи? Устида ял-ял ёнадиган атлас-у кимхоб либослар, турк-у таровати бинойидек келишган ёш жувонларнинг маблаг эвазига ўз танасини сотиши, номус-у орини ерга букиши қайси кадрятга мос келади?



Айримлари эса ўз хато қилмишлари туфайли она бўлишдек улуғ бахтдан мосуво бўлиб, никоҳсиз орттирган фарзандини бўғиб ўлдиряпти, ёинки, ҳожатхона атрофига, кўча-кўй, хиёбонларга тирикликин ташлаб кетяпти. Ахир бегона эмас, ўз фарзанди, жигарбандини-я. Ҳатто ҳеч бир ҳайвонда ҳам йўқ бундай одат аёлларимизда қаердан пайдо бўляпти?!

Халқимиз қадимдан қўшнининг қўшнида ҳақи бор деб ён қўшниларини улуғлаб келган. Шунинг учун ҳам қўшнилар бир-бирларининг иззат-ҳурматини жойига қўйган. Бирор тансиқ таом пиширса, яқин қўшниларига, албатта, бир коса илинган, бир-бирининг ҳолидан хабардор бўлиб турган. Биз-чи?! Биз бугунга келиб борди-келди қилиш тугул, ёнимизда яшаётган қўшнимизни, унинг болаларини ҳам танимаймиз. Ҳатто ойда бир маротаба ота-онамизни, туғишганларимизни йўқлашни-да одатдан чиқаряпти. Кези келганда ўзимизни пайсалга ҳам соламиз. Шунчаки, хабар ёзиб ёки ижтимоий тармоқдан табрик жўнатиб қўямиз.

Ҳовли курсак, уйимиз томини қўшнининг томидан икки қарич баландроқ қилмасак, шифти олти метр, хоналари ўнта бўлмаса, кўнглимиз асло тўлмайдиган бўлиб қолди. Аслида ота-боболаримиз янги иморатини қўшниси яшаб турган бинодан бир қарич пастроқ қилиб, камтарона курганлар. Биз нотавонлар эса янги асрга келиб ҳовли-жой, машина, нарсалар

буюм, мол-у дунёнинг ҳирсига берилдик. Ҳашамат, маишат, исрофгарчиликларга тўла зиёфатлар, кўр-кўрона тақлид ва зўрма-зўракиликка асосланган дабдабали тўй-томошаларнинг қулига айланиб қолаяпти.

Маҳалла қадимдан кадрятлар кадрланадиган жой. Шунинг учун ҳам бир болага етти маҳалла ота-она деб бежизга айтишмайди. Аммо биз ўз ишимиз, ўз уйимиз, ўз ташвишларимиз билан шу даражада ўралашиб қолганмизки, ўзимиз маҳалла ишларига кўмаклашиш ўрнига маҳалладан йўқлатсалар ҳам ҳафсаласизлик, лоқайдлик қиламиз, маҳалла тадбирларида иштирок ҳам этмаймиз. Маҳаллада ёки бирор оилада фавқулудда бир ҳолат юз бермагунча безътибор юраверамиз.

Кадрятларни кадрлаш борасида гап кўп. Шундай экан, азал-азалдан халқимизга хос бўлган миллий қиёфани шакллантирувчи мардлик, тантилик, меҳмондўстлик, саховатпешалик, ўзаро ҳурмат, биродарлик, бағри кенглик, меҳрибонлик каби бетакрор фазилатлар ҳар бир юртдошимиз томонидан амалда эъзозланса, асраб-авайланса, ижобий жиҳатлар қўшиб бойитилса, ривожлантирилса, бахтли келажагимизга катта қадам ташлаган бўлар эдик. Буни албатта ўз оиламиз, маҳалламиз, ён-атрофимиздан бошлашимиз зарур.

Муроджон МАХМУДОВ,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети биринчи босқич талабаси.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ЖАМОАТЧИЛИККА МУНОСИБ ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ...МИ?

Юртимизда аҳоли сонининг ортиб бориши, янги уй-жойларнинг қурилаётганлиги боис транспорт воситаларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида зарур жойларга пиёдалар ўтиш йўли, светофорлар ва қўшимча йўл белгилари ўрнатилмоқда. Шунингдек, аҳамиятли жиҳатларидан бири, мактаб ва боғча ҳудудларига яқин жойларда жойлашган автомобил йўл қисмларида сунъий нотекисликлар ташкил этилмоқда.

Бундан мақсад, автомобил тезлигини оширмаслик, ер қор ва сирпанчиқ вақтларида рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш, вояга етмаганлар ўртасида бўлаётган автохалокатлар сонини камайтириш ва улар хавфсизлигини таъминлашдир.

Шаҳарлашувнинг жадал ривожланиши ортидан шахсий транспортлар тирбандликларни келтириб чиқармоқда. Ачинарлиси, экологияга катта зарар етказилмоқда. Шунинг олдини олиш учун ҳам бизга жамоат транспортлари керак. Олайлик, автобус ҳар томонлама қулай, ишончли, ҳамёнбоп транспорт воситаси ҳисобланади. Тошкент шаҳрида автомобиль йўлларининг ўнг томон қисми автобуслар ҳаракати учун алоҳида белгилаб қўйилди. Бу усул орқали аҳолини манзилига ўз вақтида ва хавфсиз тарзда етказиш ҳамда тирбандликлар камайтирилмоқда. Шунингдек, жамоат транспорти бекатга қачон келишини, орасидаги масофанинг қанча вақтликни кўриш учун махсус дастур ишга туширилди. Яна бир афзал томони, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида чегирмали нархда автобус ва метролардан фойдаланиш учун ягона имтиёзли тўлов картаси жорий қилинди. Бу тизим асосан ўқувчилар, талабалар ва на-

фақа олувчи шахслар учун мўлжалланган. Бир ойлик трафик орқали қондаларга бўйсунган ҳолда жамоат транспортларидан фойдаланиш мумкин.

Аммо, танганинг иккинчи томони бўлгани каби бу соҳада ҳам бир қатор камчиликлар йўқ эмас. Аҳоли учун мўлжалланган транспорт воситалари яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Баъзиларида иситиш тизимлари ишламайди. Бу ҳолат қиш кунларида аҳоли томонидан кичик норозиликлар келтириб чиқармоқда. Бу бевосита жамоат транспортдан фойдаланишнинг камайиши, ёхуд, салбий фикрларни вужудга келтиради. Шу сабабли сон билан бирга албатта сифатга ҳам эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, афсус билан айталик, айрим ҳайдовчиларда муомала маданияти пастлиги, транспорт бошқариш вақтида узоқ вақт қўл телефондан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда.

Жамоат транспортлари бевосита туризм соҳаси билан боғлиқ. Туризм ва саёҳат учун мўлжалланган жамоат транспортлари сони жуда ҳам кам. Умуман олганда, бу жараён аҳолида жамоат транспортга бўлган талабларини ошириш билан бирга, туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Сайёҳларнинг дам олиш жойларига қийналмасдан, тез ва осон

етиб боришини таъминлаш, юқларини осон ташиш, ҳамда сайёҳларга қулайлик яратишда муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари ички туризм учун ҳам автобуслар ташкил этилиши лозим. Айни йилларда ўқувчи ёшлар ўртасида бу оммалашмоқда. Автобусларда ҳар томонлама қулайлик мавжуд, уларнинг хавфсизлиги ҳам тўлиқ қафолатланади.

Аҳоли фикрини ўрганиш вақтида қишлоқ ва туманларда жамоат транспортлари ҳаракатини самарали ташкил этиш тақлифи ҳам айтиб ўтилди. Асосан бозор ҳудудидан ўша ҳудудга тегишли қишлоқлар йўналиши учун махсус кичик автобуслар ташкил этилса янада яхши бўлар эди.

Яна бир муҳим масалалардан бири, бу Ўзбекистоннинг аҳоли кўпроқ яшайдиган ва талаб катта бўлган чекка ҳудудларига бориб келиш учун ҳам автобуслар қатновини ташкил этиш зарур. Тўғри, поезд ёки самолёт мавжуд. Аммо уларга чиптани харид қилишга ҳаммининг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Бу асосан Қорақалпоғистон, Хоразм, водий ва шу каби бир қанча вилоятлар билан боғлиқ.

Муаммолар талайгина. Унга самарали ечим излаб топишимиз лозим. Ҳар томонлама қулай, ҳам ҳайдовчи ва ҳам йўловчи фойдасига ўйланган стратегик режалар тузилиши ва, албатта, амалда қўлланилиши юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқишида муҳим мезон бўла олади, деб ўйлаймиз.

Севара ҚАЙИМОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети биринчи босқич талабаси.

Автомобилдан сақланиш!

Ёхуд ўзимиз пиширган ош...

Ҳойнаҳой, уларнинг иккаласи ҳам уйдан оналарининг дуосини олиб чиқишган. Бири ўқишга, бири эса ишга. Иккисининг ҳам ҳаётдан умидлари катта бўлган. Бири оилали, иккинчиси уйланишга-да улгурмаган. Улар тунда, атиги бир сониягагина нигоҳлари билан учрашишди. Оқибатда бири камокқа кетди, иккинчиси эса... Оналар қон йиғлаган машъум тун.

Самарқанд шаҳридаги университет хиёбонида содир бўлган йўл транспорт ҳодисасида талаба вафот этганлиги ҳақида хабар тарқалди. Тасдиқланмаган маълумотларга кўра, пиёдалар йўлагидан ўтаётган талабани шу кўчада пойга ўйнаган машиналардан бири уриб кетган. Бир неча лаҳзалик хурсандчилик, балки шухрат истаб, ажалнинг ортидан қувган ҳайдовчи навқирон бир йигитнинг ҳаётига зомин бўлди. Афсуски, бу биргина ҳолат эмас.

Маълумотларга кўра, ўтган 2023 йилда вилоятда 1151 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Ўлим билан боғлиқ ЙТҲлари 265 та, уларда тан жароҳати олганлар сони 974 нафарни ташкил этади. Шундан, болалар иштирокидаги ЙТҲлари сони 198 та бўлиб, уларда 31 нафар бола ҳалок бўлган.

Таҳлиллар бўйича, содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 526 таси пиёдаларни уриб юбориш, 364 таси тўқнашув, 93 таси велосипедчи-

ни уриб юбориш билан боғлиқ. Назорат тадбирлари давомида 4218 та ҳолатда ҳайдовчининг спиртли ичимлик истеъмол қилиб рулга ўтиргани аниқланган.

Аслида бу рақамлар вилоятимиздаги асл вазиятни очиб бермайди. Барчамиз, хоҳ пиёда, хоҳ ҳайдовчи бўлайлик, ҳар куни йўл ҳаракати қатнашчиси сифатида ўнлаб, гоҳида юзлаб вазиятда йўл ҳаракати қондаларининг қўпол равишда бузилишига гувоҳ бўлаётганимиз бор ҳақиқат. Хўш, уларнинг нечтаси айтилган статистикага киритилган. Биламизки, “ГАИ” ходимлари, камералар йўк кўчаларда қондалар ҳам йўк ҳисоб. Аксарият ҳайдовчилар на светофорнинг қизил чироғини, на йўл белгиларини писанд қилади. Пиёдалар ҳам кўчани истаган жойида кесиб ўтиши одатга айланган. Пиёдалар йўлакчалари шунчаки кўргазма учундек.

Ижтимоий тармоқни кузатар экансиз, юқорида тилга олинган мусибатли ҳолат юзасидан билдирилган турли фикрларни кўрасиз. Кимдир назорат йўк, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишламаяпти, деса, яна кимдир бу тартибсизликларга жамиятда маълум бир мавқега эга инсонларнинг қонунни писанд қилмаслиги сабаб, дейди. Мулоҳаза юрийтиб кўрадиган бўлсак, ўша ишора қилинаётган давлат идорасидагилар ҳам, уларнинг “эркатой”лари



ҳам шу жамиятдан, орамиздан чиқаётганини англаш қийин эмас. Нега қондабузарларни қариндошлари тартибга чақирмайди, айблаб чикмайди, биласизми? Чунки бу уларнинг манфаатига зид. Уларнинг ўрнида сиз бўлганингизда, айтайлик, ўша шоввоз ҳайдовчи яқин қариндошингиз бўлганида нима қилардингиз? Ўзимизни алдамайлик. Мансаб, бойлик инсонни бузмайди, улар фақат имкониятларни оширади. Кўчада “иномарка” минган ҳам, “Дамас” минган ҳам бирдек қонда бузади, агар бу борада “дамасчилар” устунрок бўлмаса, албатта.

Шундай экан, муаммо тузилма ёки маълум шахсларда эмас, у кўпроқ жамиятнинг ўзида. Биз маданиятдан йироқлашиб бораёмиз. Катталар-ку майли, маданиятни ёшларга қандай ўргатиш, ишни нимадан бошлашни билмаётгандекмиз. Йўл ҳаракатидаги маданият – бу шунчаки муаммо аталмиш муз қоясининг сув юзасидаги қисми.

Асқар БАРАТОВ

Жиноятга жазо муқаррар

Алдоқчи талаба

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти ўзга инсонларни чув тушириш билан боғлиқ. Фикримизга исбот ўрнида судда кўрилган фирибгарликка оид жиноят ишини келтириш мумкин.

Б.Т. Тошкентдаги давлат олий таълим муассасасида талаба. У муқаддам фирибгарлиги учун судланган. Эски “касби”ни ташламаган Б.Т. яна судланди. Гап шундаки, у ўзганинг мулкани алдаш ва ишонччи сунистеъмол қилиш билан қўлга киритган.


– Олмазор туманидаги “Себзор” мавзесида А.А. билан учрашдим, – деди судда судланувчи Б.Т. – Ўзимга тегишли энгил автомашинани бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан унга 12.500 АҚШ долларига сотишга келишдик. Бошланғич тўлов сифатида А.А. дан 4000 доллар олдим. Орадан 2 ой ўтгач, у мендан машинани ўзининг номига расмийлаштириб беришимни сўрайверди. Мен эса бугун-эрта, деб алдаб юравердим. Тўғриси, пулни эҳтиёжимга сарфлаб юборгандим. Айбимга иқрорман. Бундан кейин бу каби жиноятларни содир этмайман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, энгиллик беришингизни сўрайман.

– Б.Т.га ишониб унга 4100 АҚШ доллари бердим, – деди судда жабранувчи А.А. – У келишганимиздек, 2 ойда машинани менинг номимга расмийлаштириб бериши керак эди. Аммо алдади. Телефонларимга умуман жавоб бермади. Кейин эса телефонини бутунлай ўчириб қўйди. Шундан сўнг ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилдим. Олган пулни қайтариб бергани йўқ. Шу сабабли судланувчидан зарарни ундириб беришингизни ҳамда унга қонун доирасида жазо тайинланишини сўрайман.

Суднинг ҳукми билан муқаддам қатор жиноятларни содир этганлигини ҳисобга олиб, Б.Т. 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. У жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтказиши белгиланди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман судининг раиси.

“Қамокдан чиқариб бераман...”



З.П. оқ-қорани танийдиган, керак бўлса, йўл-йўриқ берадиган ёшда. 39 ёшли И.К. фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун қонун олдида жавоб берди.

– З.П. ва унинг шериги билан кафедра танишганмиз, – дея судда кўрсатма берди гувоҳ Э.Н. – Улар қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланишини айтишди. Ўтган йилнинг декабрь ойида икки нафар танишимни тезкор ходимлар ички ишлар органига олиб бориб қамаб қўйишди. Танишларимга нисбатан жиноий иш кўзгагилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олинди. Шундан сўнг мен З.П.дан эҳтиёт чорасини бошқа турдаги энгилроғига ўтказиш масаласида ёрдам сўрадим. У мендан терговчининг исм-фамилиясини сўради. Айтдим. З.П. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишловчи танишлари орқали масалани ҳал қилиши мумкинлигини билдирди. Менинг олдимда телефонда ким биландир гаплашиб, кечга томон учрашишга келишдик. Биз учрашдик. З.П. менга 5000 АҚШ доллари берсам, танишларимни қамокдан чиқариш мумкинлигини айтди. Тўғриси, у бизда шубҳа уйғотди. Ўйлаб кўриб, бу ҳақда ариза билан Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилдик. Бизнинг аризамизга асосан тезкор тадбир ўтказилди. Эртаси куни яна кафедра кўришдик. Ундан ким орқали танишларимни хибсхонадан чиқарасиз, дея сўрадим. У эса айтмади. “У ёғи билан ишингиз бўлмасин, пулни берсангиз ҳаммаси яхши бўлади”, деди. Қисқаси, З.П. мендан 2000 доллар олган вақтида ушланди.

– Айбимни тан оламан, – деди судда судланувчи З.П. – Органда ҳеч қандай танишим йўқ. Мақсадим, аёлларни алдаб пулини олиш эди. Бошқа бундай иш қилмайман...

Суд судланувчига жазо тури ва миқдорини тайинлашда барча жихатларни эътиборга олди. Суднинг ҳукми билан З.П. га 2 йил 1 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. “Қамокдан чиқариб бераман”, дея одамларни чув туширмоқчи бўлган фирибгар бугун қилган ишидан афсусда.

Азимжон ҲАКИМОВ,

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.

ЖАМИЯТ

ЖАМИЯТ

Муассис:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология,
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
ва иқлим
ўзгариши
вазирлиги

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган
нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52


Реклама ва
эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



Воизликнинг жоизлиги

Римнинг буюк нотиғи Марк Туллий Цицерон шундай деган эди: “Шоир болиб тугиладилар, нотиқ бўлиб етишадилар”. Бу шоирлик тугма истеъдод, нотиқликни эгаллаш учун захмат чекиш керак, меҳнат қилиш керак, – дегандай англашилиши мумкин. Ижоднинг 99 фоизи меҳнат, бир фоизи истеъдод деган машҳур ибора ҳар иккаласига ҳам баравар тааллуқли. Нотиқликни шоирлик билан, шоирликни нотиқлик билан ўз тақдирида боғлаш бу жуда мушкул ҳодиса! Лекин машҳур воиза, иқтидорли шоира ва ёзувчи, бир сўз билан айтганда, маърифатпарвар аёл – Турсуной Содикова ҳар иккаласининг ҳам уддасидан чиқа олган, ўз фаолиятида ҳар иккаласидан унумли фойдалана олган зоти шарифа эдилар.

Ёдимда, Турсуной опа Содикова Республика Маънавият ва маърифат марказида ишлаб юрган пайтларида илк марта учрашганмиз. Биринчи кўришимизданок: “Қани, овози чиройли укажоним, келсинлар! Арузона ғазалларни сиздан зиёд ўқийдигани йўқ”, деганлари ҳамон кулогим остида жаранглайди. У инсон ширинсуханлик, керак пайтида аччиқ ҳақиқатни ҳам ўринлатиб айта олиши билан алоҳида ажралиб турган. Муҳими, сўзни ҳис этади, сўзнинг сеҳрини билади, унга меҳр қўйган эди. Керак пайтда таъсирчан кучидан, керак пайтда таъсирчан сўздан фойдаланиб, қалбга йўл топа олиш қудрати ниҳоятда кучли эди. Турсуной опада ўзига хос бир шиддат бор эди, назаримда. Қанчадан-қанча оилаларни келиштириб, яраштириб, юз кўрмас бўлиб кетган ака-укаларни бирлаштириб, уларни яқинлаштириб қўядиган бир қудрат бор эди. Ораларида низою нифок сабаб бўлганларни ўз хатти-ҳаракатларига пушаймон қилдиришларгача ҳам бориб етарди. Сўзнинг имкониятидан фойдаланишни жуда яхши билардилар. Сўзнинг керак пайтда — бузувчи, керак пайтда — тузувчи эканлигини ҳам яхши идрок этарди. Бунёдкор ғоялар учун ҳам, бузғунчи — вайронкор ғоялар учун ҳам у курул болишини яхши англаб етган эди. Ўз нутқига шеър билан, таъсирчан сўз билан зийнат беришдан ташқари, тингловчиларни ром эта оладиган, керак пайтда ҳазил-хузул, юмор билан, ҳажвий назар билан ҳам, даврага жон киритарди.

Биз кўпинча сўзга чечан одамларни кўрамиз, маърузаларни тинглаганмиз, лекин, Турсуной опада давранинг ёши билан ҳисоблашиш, керак бўлса жинси, ижтимоий

келиб чиқиши, билими, савиясини эътиборга олган ҳолда, сўз айтиш маҳорати жуда кучли эди. Қайси даврага бормасин, қандай ҳолатда бўлмасин, албатта давра аҳли уни диққат билан тинглайди, роҳатланади ва бу хусусиятни тингловчиларнинг юз-у кўзларидан билиб олиш мумкин эди. Турсуной опа моҳир воиза сифатида тингловчиларнинг кўзидан, ўзини, сўзини оларди. Шунинг учун ҳам, ҳақиқий нотиқларга хос бўлган қоида борки, воизанинг сўзи, тингловчининг кўзида бўлади. Тинглаяптими ёки бошқа бир иш билан машғул бўлаяптими ё телефон ўйнаб ўтирибдими ёки хаёл суриб ўтирибдими — шуларнинг ҳаммасини назорат қилар ва шунга яраша сўз айтар эди.

У Навоий ҳазратларининг бир қоида-сига, бир ҳикматига амал қилар эди: “Чин сўз — мўътабар, яхши сўз мухтасар”, яъни, ҳақиқий, чин сўз бу — тўғри сўз. Яхши сўз эса — мухтасар, яъни, қисқа айтиладиган сўз. Баъзан шундай давралар бўлади, маъруза бошланиб кетади, соатлаб давом этади, оммани зериктиради, лекин у сўздан тўхтамайди. Бунақа ҳолатни хуш кўрмас эди. Чунки энг яхши воизнинг қачон сўзи жоиз бўлади. Бунинг учун у кимга, нима ҳақда, қаерда, қачон, қандай қилиб энг муҳими, қанча айтишни, гапиршни биладиган зоти шарифа эдилар. Мен буни шу соҳага яқин мутахассислардан бири сифатида кўп бор кўрганман, кузатганман. Фақат курук сўздан иборат, таъсирчан халқ ҳикматларидан бебаҳра бўлган маъруза ҳеч қачон тингловчилар оммасини ўзига жалб эта олмаслиги аниқ. Бунинг учун меъёрини билиш, сақлаш зарурлигини ҳис этарди опа.

Шу тобда Мирзо Абдулқодир Бедилнинг бир гапи ёдга келади:

*Узлуксиз шодлик ҳам
келтиради гам,
Ҳаддан ортиқ базм
мисоли мотам.
Ҳар нарса меъёрдан
ошмаса яхши,
Ҳаддан ошса ўтдан
баттарроқ сув ҳам.*

Демак, ҳар бир нарсани ўз ўлчови бор. Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва ривоятларни айтишнинг ҳам меъёри бўлиши керак. Унга амал қилмасдан нутқни чўзиш тингловчиларни бездиради. Бу эса мақсадга хизмат қилмайди. Шунинг учун ҳам сўзни саралаш, танлаш фикр мантиғига, тафаккур теранлиғига хизмат қилади. Ақл-идрок билан фаҳм-фаросатнинг уйғунлиги бўлмаса, нотиқ ҳеч қачон обрў қозона олмайди.

Уйни зийнатлаш деган тушунча бор. Буни биз ҳозирда дизайн деб ҳам ишлатмоқдамиз. Ҳар бир жойнинг ўзига хос декорацияси бўлади. Тўйнинг ҳам, азанинг ҳам ўз оҳанги, муҳити бўлади. Демак, нутқ ҳам қаерга ва кимларга мўлжаллаганлигини, кимлар иштирок этишини билган ҳолда шунга мосланади ва чиройли шаклда ифодаланади. Турсуной Содикова нозикфаҳмлиқ билан дуч келган сўзни ишлатмас, ўйлаб гапирарди.

Опа айрим “нотиқ”ларга ўхшаб ёзиб келганни ўқиб беришни хуш кўрмайдиган инсон эди. Айрим қайдларнигина қоғозга тушириб, одатда фикрларини эркин изҳор қилишни хуш кўрарди. Муҳими, унинг нутқини кейин ҳам шу иштирок этганлар “Турсуной опа ундай деди, бундай деди, зўр гапирди” — дея

алқаб, мақтаб юрганларнинг кўп гувоҳи бўлганман.

Нотиқликнинг яна бир юқори нуқтаси борки, у фасоҳатгўйлик, фасиҳ тил билан гапира олишдир. Бунинг учун нотиқ ҳозиржавоб ва тезфаҳм бўлиши керак. Турли вазиятларда сўз кучи ва юмор билан чиқиб кета олиши, ўринли сўз айта билиш ҳам ката маҳоратни талаб этади. Ҳеч кимга азият етказмасдан вазиятни созлаш ҳам осон эмас.

Ўзлари учрашувлардан бирида бўлган воқеани кулиб-кулдириб айтиб берган эдилар. Қайсидир туманда Турсуной опа билан ижодий учрашувга роса тайёргарлик кўришган. Туман аҳли мутасаддилари катта бир зални безатишган. Саҳнанинг бир чеккасида Турсуной опага алоҳида жой қилинган, яп-янги гилам ҳам тўшалган. Зал туман аҳли — китобсеварлар, Турсуной опанинг мухлислари билан лик тўла. Тадбир бошланишидан олдин ҳоким ҳаяжонда. Ҳоким бир кучоқ гулни кўтариб опа томон яқинлаша боради. Гилам тўшалган зинага қадам қўйиб энди кўтарилаётган пайтда беҳосдан гандираклар кетиб олдинга йиқилади, қўлидаги гуллар эса опанинг оёғи остига сочилади. Турсуной опа ноқулай вазиятдан чиқиш учун шу заҳоти микрофонни қўлига олиб “Шунча жойдан, марказдан келаману битта ҳокимни думалата олмасам юрган эканманда” деганларида гур этиб кулги ва қарсақлар янграган. Ҳоким ҳам ҳазилкаш, сўзга чечан экан, ҳазиломуз жавоб қайтарибди. “Мен ҳам Турсуной опам қачон келаркан, оёқлари остига бир гул сочсам, армоним йўқ эди деб ният қилиб юрардим, қаранг шу кунга тўғри келибди-да” дейди. Қайтадан кулги ва гулдурас қарсақлар янгради. Ўша кунги тадбир ғоятда самимий, жонли ва табиий тарзда мароқди ўтганлигини иштирокчилар узок вақт эслаб юришганини айтгандилар.

Бугунги кунда арзимаган нарсаларни баҳона қилиб турмушидан ажралишиб кетаётган ёш келин-куёвларга Турсуной опанинг ўткир сўзлари, аччиқ ўғитлари керак бўлаяпти. Лекин опанинг оғзаки нутқ маданиятининг имкониятларидан моҳирона фойдаланишлари, сўзларининг сеҳри ҳеч кимда йўқ. Охиратлари обод, руҳлари шод бўлсин.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
ююшмаси аъзоси